Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

2016-yil
3-may,
seshanba

№ 53
(3714)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Хива шаҳрининг Ёқуббой Хўжа мадрасасида жойлашган Анъанавий гилам тўқиш маркази тўқувчилари тайёрлаётган сўзана ва гиламларга, айниқса, хорижлик сайёҳлар катта қизиқиш билан қарайди.



## Қўл меҳнати мўъжизалари

— Гиламдўзликнинг қадимий анъаналарини тиклаш ва бойитишга ҳаракат қилаяпмиз, — дейди марказ раҳбари Меҳрибон Матёқубова. — Ўлчами ва бошқа ўзига хос жиҳатларига кўра битта гиламни 3 гиламдўз тўрт ойдан бир ярим йилгача бўлган муддатда тўқиб битириши мумкин. Қўл меҳнати асосида тайёрланадиган бу нақшинкор гиламлар ҳамиша харидоргир.

**СУРАТДА:** *(ўртада) Хива шаҳрининг Ёқуббой Хўжа мадрасасида жойлашган Анъанавий гилам тўқиш маркази раҳбари Меҳрибон Матёқубова (чапдан) шогирдлари Маҳлиё Аллаберганова ва Райҳон Маткаримова билан.*

**ЎзА фотомухбири Шоназар ҚОРИЕВ олган сурат.**

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

*Инсон руҳий ҳаётининг муҳим қисмини хотира эгаллайди. Хотира ва хотирлашдек маънавий қадриятнинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрнига қараб, бу инсоннинг кимлиги ва бу жамиятнинг қандайлиги ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Хотира туғма фазилатлардан бири бўлиб, ҳидоят йўлини босиб ўтган инсон қўлидан бирор иш келадиган, бирор мартабага эришган вақтда ҳам қалбига она сути билан кирган эзгу фазилатларнинг соҳиби бўлиб қолади.*

## Хотира бонги

Хотира ва қадрлаш кунининг 9 майда — юртимиз осмонида тинчлик кабутарлари парвоз қилиб турган, шоир айтмоқчи, «қора қиш»дан ғолиб бўлиб чиққан баҳор кунларида нишонланишида катта маъно бор.

Одатда эс-ҳуши 40-йилларда кирган кишиларни «уруш авлоди» дейишади. Камина ҳам шу авлодга мансуб бўлганлигим учун 1941 — 1945 йиллардаги уруш билан боғлиқ воқеаларни яхши биламан.

Тошкентнинг Эски шаҳарида бир дарвозадан кириб, узун, усти берк йўлакдан ўтаётганимизда, ўзининг эшиги, ўзининг ҳовлиси бўлган бир неча хонадонларга кўзимиз тушарди. Бу хонадонларда бир ота-бободан туғилган қондош ва жондош кишилар катта ва аҳил оила бўлиб яшарди. Ягона дарвозали беш-олти хонадоннинг ўзи маҳалла ичидаги маҳалла эди. 1941 йил ёзида уруш бошланиши билан шу каттакичик маҳаллаларга «повестка» — «чақириқнома»лар кела бошлаган. Маҳалла қарийб ҳар куни бирор фарзандини кўз ёшларини тўкиб, урушга — борса, қайтиш-қайтмаслиги номаълум томонларга жўнатарди. Урушнинг дастлабки ойларида армияга олинган ёшларнинг аксарияти жанг майдонларига етиб боролмаган: душман самолётлари ёғдирган бомбалар улар тушган поездларни улкан гулханларга айлантириб юборган. Ана шу гулханларда ўзбек халқининг кўплаб навқирон ва азамат йигитлари, шу жумладан, менинг қариндошларим, маҳалладошларим ҳам ёниб кул бўлган.

1941 — 1943 йилларда Ўзбекистон ҳукуматининг ташаббуси билан бир неча делегациялар тузилиб, улар уруш майдонларида жон олиб, жон бераётган ўзбек жангчиларига совға-саломлар олиб боришган. Шундай делегациялардан бирида улуғ адибимиз Ойбек ҳам бор эди. Уларга дастлаб фронтдан анча олисда жойлашган ҳарбий қисмларни тавсия этишган. Делегация олдинги марраларда жанг қилаётган юртдошларимиз — жигарларимиз билан ҳам учрашиш истагини билдирганидан сўнг уларни бомба ва снарядлар гумбурлаб турган жанггоҳларга яқин қисмларга етаклашган. Шундай қисмлардан бирида, кечқурун, жангчилар куч йиғиш ва эртанги жангларга тайёрланиш учун қайтиб келганларида Ойбек улардан душман мажақлаб ташлаган қишлоқларда рўй берган даҳшатлар ҳақидаги, жанг майдонларига дастлаб милтиқсиз, кичкина белкурак билан кирганларига қарамай, жасорат кўрсатаётганлари ҳақидаги сўзларни эшитган, шу қисмлардаги жасур жангчиларга бағишлаб қисқа муддатда ёзган шеърларини ўқиб, кўнгилларини кўтарган.

Адибнинг шундай воқеалар тасвирланган дафтарида бундай сўзлар ҳам ёзилган: «Тунда жангчилар уруш майдонида ҳалок бўлган биродарларининг жасадларини олиб келдилар. Ўликлардан иборат тепалик ҳосил бўлди...» Мен адибнинг бу оловли сўзларини илк бор ўқиганимда кўзларимдан отилиб чиққан ёшларни алламаҳалгача тўхтата олмаганман. Кейин ҳам ҳар сафар ўқиганимда ёки шу сўзлар хотирамга келганида урушнинг, айниқса, дастлабки йилларида, ҳарбий билим ҳам, қурол-яроғлар ҳам берилмай фронтга юборилган ва «тўп еми» бўлган минглаб жангчиларимиз кўз олдимга келиб, қалбимни тирнаб юборади.

Биз Хотира ва қадрлаш кунларида аксари ҳали уйланиб, бола-чақали бўлиб улгурмаган, ўзларидан зурриёд қолдира олмай ҳалок бўлган ватандошларимиз хотирасини таъзим билан ёд этамиз.

Бир мақоламда урушга борган қўшнимнинг тақдирини айтиб ўтган эдим. Муштарийлардан узр сўраган ҳолда, шу қўшнимни яна бир бор эслаб ўтсам. Унинг исми Қодир эди. Маҳалламиздан урушга кетганлардан шу кишигина тирик қайтиб келган. Унинг омон-эсон қайтганидан қувончимиз ичимизга сиғмай қўшни ҳовлига кирганимизда урушга ўн гулидан бир гули очилмай кетган йигитни эмас, балки афти-ангори чандиқ қоплаган кишини кўрдик. У урушда танкчи бўлиб хизмат қилган экан. Кунларнинг бирида танклар жанги бошланиб, уларнинг танки ловуллаб ёниб кетган ва у жон сақлаш учун яланг майдондаги бир ўрага ўзини отган. Чандиқлар ана шу танклар жангидан қолган қонли эсдалик, инсоният тарихидаги энг даҳшатли урушнинг қонли муҳри эди. Бу муҳр зарби унинг юз-башарасигагина эмас, бутун вужудини қон қақшатгани учун Қодир ака кўп ўтмай, омонатини топширди.

Хотира ва қадрлаш кунида шундай жабрдийда ватандошларимизни эслаш, дуоларимизни улар руҳига бағишлаш инсоний бурчимиздир.

(4).

Шукрона

**Кексаларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, уларни ардоқлаш халқимизга хос азалий қадриятлардандир. Ушбу олийжаноб фазилат мустақиллик йилларига келиб, давлат сиёсати даражасига кўтарилди.**

## Эътибордан миннатдормиз

— Республикамиз Президентининг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони билан танишиб, бошимиз осмонга етди, — дейди Марғилон шаҳридаги Бурҳониддин Марғиноний номли маҳаллада яшовчи иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 1-гуруҳ ногирони Абдуҳамид ота Солиев. — Бундай эътибор ва эъзоздан руҳимиз янада сарбаланд бўлди. Бу йил 92 баҳорни қарши олдим. Ўтган умримнинг 25 йили мустақиллик даврига тўғри келганидан хурсандман. Чунки тинчосойишталикнинг ўрни инсон учун қанчалик муҳим эканини ҳаётим мисолида яхши биламан.

Давлатимиз томонидан олиб борилаётган ислоҳотлар инсон манфаатларига қаратилганини ҳар лаҳза ҳис қилиб турибмиз. Бундай эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимиздан миннатдормиз.

Ҳозирда Марғилон шаҳрида истиқомат қилаётган 15 нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчисининг ҳар бири Фармонни зўр кўтаринкилик ва мамнуният билан кутиб олганлигини баён қилмоқда.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ**

Ватан ҳимояси – муқаддас бурч

## Посбонларга яна бир қулайлик

**Сирдарё вилоятида жойлашган сафарбарлик чақируви резерви баталони ҳарбий хизматчилари учун ўқув, ошхона ва ётоқхоналардан иборат туражой биноси фойдаланишга топширилди.**

Президентимиз раҳнамолигида замонавий қурол-яроғ, ҳарбий техника ва профессионал мутахассислар билан таъминланган миллий армиямизни барпо этиш борасида амалга оширилган туб ислоҳотлар юксак самара бераётгани таъкидланди. Бу жараёнда Ватан ҳимоячилари учун замонавий ижтимоий-маиший шароитга эга ўқув бинолари, ётоқхоналар қуриш ва зарур шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Янги бинода «Қува МДС сервис» хусусий корхонаси бунёдкорлари томонидан 1 миллиард сўмликдан ортиқ қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Энг замонавий мебел ва технологиялар билан жиҳозланди.

— Давлатимиз томонидан биз, ёшларнинг ҳарбий хизматни юксак савияда ўташимиз учун барча шароит яратиб берилмоқда, — дейди сафарбарлик чақируви резерви хизматчиси Шерзод Абдуллаев. — Натижада армия сафларида хизмат қилиш ёшлар учун нафақат конституциявий бурч, балки юксак шон-шарафга айланмоқда. Машғулот, ўқув ва тренажёр хоналарида барча қулайлик яратилган.

Тадбир доирасида ҳарбий хизматчилар ўртасида футбол, волейбол мусобақалари ташкил этилди. Санъаткорлар томонидан намойиш этилган концерт дастури тадбирга янада кўтаринкилик бағишлади.

Тадбирда Сирдарё вилояти ҳокими О.Ашурматов сўзга чиқди.

**А.ҚАЮМОВ,**
**ЎзА мухбири**

Касаба уюшма фидойилари

## Эл назарига тушиш бахти

**Юртда эъзоз топиш, катта-ю кичикнинг меҳрини қозонишдек улкан бахтга эришиш ҳаммага ҳам насиб этавермади. Бундай бахт замирида, аввало эл, Ватан манфаати йўлида амалга оширилган эзгу ишлар, фидойилик билан қилинган меҳнат, ўзликни англаб олға интилиш саодати мужассамдир.**

Эсон Ражабов Қашқадарё вилояти касаба уюшмалари тизимига раҳбарлик қилаётганига чорак асрдан ошди. Ва ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, соҳада ўзига хос мактаб яратди. Яқинда Эсон Ражабов ҳузурида бўлиб, Ватан равнақи, ёшлар тарбияси, ва албатта, истиқлол йилларида касаба уюшмалари тизимида амалга оширилган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ҳақида суҳбатлашдик.

— Улуғ байрам арафасида турибмиз. Бу йил давлатимиз мустақиллигининг 25 йиллигини нишонлаймиз, — дейди Эсон ака ўтмишга хаёлан назар ташлар экан. — Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллари, мен сизга айтсам, касаба уюшмалари учун ҳам ҳақиқий синов бўлган эди. Ташкилотларимизда кадрлар ўртасига раҳна солишга уринишлар, тармоқларни бўлиб ташлашга интилишлар, касаба уюшма аъзоларини турли тийиқсиз йўлларга даъват этишлар юз берган эди. Касаба уюшмалари сафида аъзолар сонининг кескин камайиши кузатилганлиги ҳам аслида шундан. Лекин йиллар давомида кўрилган чора-тадбирлар, ташкилий ишлар туфайли аҳвол ижобий томонга ўзгарди. Бугун бутунлай ўзгача манзарага гувоҳ бўлиб турибмиз. Айни пайтда вилоятдаги мавжуд 10 та тармоқ касаба уюшмалари вилоят кенгашлари тизимида 633000 нафарга яқин ходимларни бирлаштирган 3152 та бошланғич ташкилот фаолият кўрсатаяпти.

Мустақиллик йилларида Президентимиз томонидан «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» шиори остида жамоат ташкилотларининг эркин ривожланиши, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларда иштирок этиш учун халқаро ҳуқуқ нормалари талабларига жавоб берадиган қонунчилик тизими яратилганлиги фаолият ривожида муҳим омил бўлди.

Айниқса, вилоят ҳокимлиги билан ижтимоий шериклик асосида иш олиб борилганлиги ва пировард натижада раҳбарият томонидан касаба уюшмалари соҳасидаги ислоҳотларнинг қўллаб-қувватланганлиги муҳим аҳамият касб этди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тавсияларига асосан корхона ва ташкилотларда касаба уюшмалари фаолиятининг ўзаги бўлган жамоа шартномалари ҳар жиҳатдан такомиллаштирилиб, меҳнат тизимида инсон манфаатини ифодалайдиган, ходимлар ва иш берувчи муносабатларини тартибга соладиган муҳим ҳужжатга айлантирилди. Иш берувчи, касаба уюшмалари, ходимлар ўртасидаги меҳнат муносабатларида янги қоидалар вужудга келди. Меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлигини таъминлаш, маданий-маърифий, спорт, соғломлаштириш ишларини ташкил этишда жиддий ўзгаришлар юз берди.

(2).



Энг фаол ёш архитектор

>> 2



Фаровонлик манбаи

>> 2



Пойгачилар сафи ортмоқда

>> 4

Ishonch 2016-yil 3-may, seshanba, № 53 (3714)

Семинар-тренинг

# Хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимояси — устувор вазифа

**Андижон шаҳрида Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан «Хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимояси — устувор вазифа» мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди. Семинарда асосий эътибор хотин-қизлар учун меҳнат соҳасида берилаётган имтиёзлар масаласига қаратилди.**

Аёлларнинг жамиятдаги ўрни, муаммоларни ҳал қилишдаги иштироки, қонун олдида тенг ҳуқуқлилиги ва уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган барча масалалар ҳамиша диққат-марказида. Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2014 — 2016 йиллар учун имзоланган Бош келишувда ҳам аёллар ва ёшларга имтиёзлар бериш, уларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш чораларини амалиётга татбиқ этиш, аёллар ҳуқуқ ва имкониятларини оширишга қаратилган жиҳатлар кўзда тутилган.

Айтиш керакки, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси аъзоларининг 60,7 фоизини хотин-қизлар ташкил қилади. Бу ўз-ўзидан тизимда айни йўналишда олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар салмоғи нечоғли муҳим эканлигини ифодалайди. Жорий йил биринчи чорагида ташкилот ва муассасаларда имзоланган жамоа шартнома ва келишувлари орқали 96 нафар аёлга моддий ёрдам кўрсатилди. 5 нафарига мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган маиший жиҳозлар, шунингдек, уй-жой қурилиши учун оилаларга фоизсиз ссудалар берилди. Фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшгача тўлгунга қадар бўлган 72 нафар ёш онага моддий кўмак кўрсатилди. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 21 нафар талаба қиз учун шартнома пулларининг бир қисми қопланди. 98 нафар 30 ёшгача бўлган ёш хотин-қизларни бошқа касбга ўргатиш, малакасини ошириш каби манзилли чора-тадбирлар изчил давом эттирилмоқда.

Тренингда миллий ва халқаро меҳнат стандартлари, меҳнат муносабатлари соҳасидаги ижтимоий шериклик, меҳнат қонунчилиги, жамоа шартномалари орқали хотин-қизларга бериладиган қўшимча имтиёзлар юзасидан иштирокчилар билим ва кўникмаларини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, тармоқда меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, улар меҳнатини муҳофаза қилиш, саломатлигини мустаҳкамлаш йўналишларидаги ишлар сифати ва самарадорлигини ошириш борасида саъй-ҳаракатлар таҳлил этилди. Меҳнат қонунчилигига оид машқлар гуруҳларга бўлинган ҳолда амалга оширилди. Иш берувчилар ва касаба уюшма фаоллари гуруҳи тузилиб, жамоа шартномаси орқали хотин-қизларга муносиб меҳнат шароитлари яратилиши борасида беллашув ҳам ўтказилди.

— Тадбир давомида иш берувчи ва касаба уюшма ҳамкорлиги, аёлларга берилиши лозим бўлган имтиёзлар бўйича тушунчаларимиз янада ойдинлашди, — дейди Урганч туманидаги саноат ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи директори Замира Саидниязова. — Кўникмаларимиз келгуси фаолиятимизда асқотиши шубҳасиз.

— Хотин-қизлар ижтимоий ҳимояси йўналишидаги тадбирлар ҳамда истиқболдаги вазифалар кўлами кенглигини яна бир карра ҳис этдим, — дейди Қарши иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Гулнора Хушвақтова. — Семинарнинг ноанъанавий усулда ташкил этилгани соҳага оид янгиликларни самарали ўзлаштиришимизда муҳим омил бўлди. Бу эса олдимизда турган вазифаларни амалиётда дадил қўллашимизга хизмат қилади.

Тренинг якунида билдирилган таклиф ва мулоҳазалар муҳокама қилиниб, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларга бериладиган имтиёз ва кафолатлар кўламини янада кенгайтириш, ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасидаги билим ва кўникмаларини ошириш ҳамда бу борада иш берувчилар масъулиятини кучайтириш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар келишиб олинди.

Семинар-тренингда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Хотин-қизлар кенгаши раиси Мавжуда Халилова иштирок этди.

**Нурилло НЎЪМОНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Томорқа — кони фойда

**Касаба уюшмалари бу йил ҳам аҳолининг шахсий ва дала томорқаларидан фойдаланишларини қўллаб-қувватлаш тадбирларини амалга оширмоқда.**

# Фаровонлик манбаи

Хусусан, эҳтиёжманд, бокувчисини бўлмаган қариялар хонадонларига кўчат ва уруғлик сотиб олишда кўмаклашилди. Бундай мадад Хоразм вилоятидаги турли қишлоқларида истиқомат қилувчи 27 та оилага ҳам кўрсатилди. Отахону онахонлар моддий ёрдамни қабул қилар экан, касаба уюшмалари томонидан ажратилган 2 миллион 700 минг сўм маблағ хонадонларга камида ўн баробар кўпроқ моддий манфаатдорлик келтиришини эътироф қилиб, юртимизнинг янада обод ва фаровон бўлишини тилаб дуога қўл очишди.

Баҳор кунларида ҳам бозорларимизда тўкинсочинлик кўзга ташланади. Аллақачон бу йил етиштирилган сабзавоту полиз маҳсулотлари, мевалар расталаримиздан жой олиб улгурди. Чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ривожланганлиги натижасида гўшт, сут, парранда маҳсулотларининг йилдан йилга арзонлашуви кузатилмоқда. Томорқаларда етиштирилган сифатли, экологик тоза маҳсулотлар халқимиз, жумладан, ёш авлод саломатлигини мустаҳкамлашда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу эса юртдошларимизнинг шукроналик кайфиятига янада шукуҳ бағишлаб, ҳар жабҳада эл равнақига ҳисса қўшишга ундамоқда.

**Қаҳрамон МАШАРИПОВ,**
**Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири**

Ёзги соғломлаштириш

**Самарқанд вилоят ҳокимлиги ва вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг 19 февралдаги қўшма қарорига мувофиқ мавжуд 24 та болалар оромгоҳида мавсум тараддуди қизғин кетаётир. Бу йил 22 минг 700 нафар бола дам олдирилади.**

# Тараддуд

Мавжуд бино ва иншоотларни таъмирлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари авжида. Сўлим Ургут тоғлари бағрида жойлашган «Золотинка» «Чорчинор» оромгоҳларида бу юмушлар ниҳоясига етай деб қолди.

— Барча оромгоҳларда сабзавот ва картошка маҳсулотлари етиштирилмоқда. Олинган ҳосил мавсум давомида дам олувчилар дастурхонига тортиқ қилинади, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири Акбар Абдусаидов. — Бундан ташқари, теварак-атрофга мусаффолик бағишловчи турфа гулзорлар барпо этилишига ҳам эътибор қаратилаяпти.

Оромгоҳларда таълим-тарбияга масъул бўлган педагог ва етакчиларни танлаб олиш, уларнинг касб маҳоратини ошириш бўйича ўқувлар ташкил этилмоқда. Барча оромгоҳларга Самарқанд давлат чет тиллар институти талабаларини жалб этиш амалиёти ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, коллеж ўқувчилари ишлаб чиқариш амалиётини ўтказадиган 10 та корхона ва ташкилотда «Меҳнат ва дам олиш» оромгоҳлари фаолияти ташкил этилади. Бунда 250 нафар ўғил-қиз амалиёт ўташи ҳамда дам олиши белгилаб олинди.

Қарорда белгилаб қўйилганидек, «Маънавият ва маърифат хоналари» ни жиҳозлаш, компютер ва кутубхона хизматини ташкил этиш, тиббий муассасалар етарлича дори-дармон билан таъминланиб, ёшлар ҳаётига оид тадбирларни ташкил этишга масъул бўлган ташкилотлар томонидан режалар ишлаб чиқилмоқда. Шунингдек, «Ҳарбий тарбия ва спорт» оромгоҳи, билимлар беллашувининг туман ва шаҳар босқичларида ғолибликни қўлга киритган иқтидорли болалар учун «Интеллектуал ривожлантириш» оромгоҳлари фаолияти ҳам йўлга қўйилади.

**Расул СУЮНОВ,**
**Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд шаҳар кенгаши ҳисобчиси**

Танлов

# Энг фаол ёш архитектор







Тошкент архитектура қурилиш институтида «Энг фаол ёш архитектор» кўрик-танлови ташкил этилди. Унда ТАҚИ қошидаги академик лицей, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятидаги бир нечта қурилиш, коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежларининг иқтидорли ўқувчилари ўз маҳоратларини синовдан ўтказиб олишди.

— Ўзбекистон Республикасида 2016 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури ҳамда «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш бош мақсадимиздир, — дейди институт касаба уюшма қўмитаси раиси Р.Юсупов. — Кутилган натижа эса йўналишда таҳсил олаётган истеъдодли ўқувчиларнинг ижодий ишларини тарғиб қилиш, қобилиятларнинг рўёбга чиқишига кўмаклашиш ва қўллаб-қувватлашга ўзига хос туртки бўлади. Шунингдек, кўрик-танлов ёшларда миллий ва замонавий архитектурага бўлган қизиқишни янада ошириш, касб-ҳунар коллежларида иқтидорли талабалар билан ишлашни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Муҳими, иштирокчилар иншоот лойиҳалари, интерьерлари ва экстерьерлари йўналишида ўз ишланмалари қай даражада мукаммал эканини билиб олишди. Танлов ғолибларига маъмурият ва касаба уюшма қўмитасининг эсдалик совғалари топширилди.

**Гўзал НОРЧАЕВА,**
**«Ishonch» мухбири**

# Эл назарига тушиш бахти



(1).

— Касаба уюшмалари пойдевори ҳисобланган бошланғич ташкилотларни қўллаб-қувватлашга эътибор кучайтирилганлиги айни муддао бўлди, — дейди Эсон ака. — Қуйи бўғинда аъзолик бадалларининг 60 фоизини, йирик ижтимоий объектлари мавжуд корхоналарнинг бошланғич ташкилотлари ҳисобида эса тушган маблағларнинг 70 фоизини қолдириш белгиланди. Маблағлардан тежамли ва самарали фойдаланиш йўлга қўйилганлиги сабабли кейинги 3 йилда биргина бизнинг вилоятимизда 3 миллиард сўмга яқин маблағ иқтисод қилинди.

Тежалган маблағлар эса республика бўйича касаба уюшма аъзоларини ижтимоий ҳимоялашга, болалар оромгоҳлари, санаторийлар ва дам олиш уйларини, маъмурий биноларни таъмирлашга йўналтирилмоқда. Ўтган йили вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг Мирзо Улуғбек номли болалар оромгоҳини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш учун қарийб 7 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди. Кейинги навбатда эса касаба уюшмаларининг «Зиё чашмалари» болалар оромгоҳини реконструкция қилиш режалаштирилган.

Мавжуд меъёрий ҳужжатларга киритилган ўзгартиришларга мувофиқ йўлланмалар қисман тўловининг 50 фоиздан 45 фоизга туширилганлиги натижасида ҳар йили 180 миллион сўм маблағ ходимлар манфаатига йўналтирилаяпти. Санаторийларга йўлланмалар бериш муддатларининг 3 йилдан 2 йилга қисқартирилганлиги, касаба уюшма бадаллари ҳисобидан олинадиган йўлланмалардан ходимларнинг яқин қариндошлари ҳам фойдаланиши имконияти яратилганлиги натижасида кейинги 5 йилда 14 минг нафарга яқин юртдошимизнинг саломатликлари тикланди. Вилоят меҳнат аҳли учун мамлакатимиздаги санаторийларга 8 миллиард сўмлик йўлланмалар олинди.

Бундан ташқари, кўрик-танловлар ўтказиш ҳамда ижтимоий ҳимоя мақсадлари учун 4,5 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Булар, албатта, олиб борилган ислоҳотлар самарасидир.

Мустақиллик йилларида Президентимиз томонидан илгари сурилган машҳур беш тамойилдан бири бўлган аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, меҳнат муносабатларини ривожлантириш, ходимлар манфаатларини ҳимоя қилиш, инсон қадрини ошириш бўйича вилоятда жуда катта ҳажмдаги тадбирлар амалга оширилди. Қисқа қилиб айтганда, касаба уюшмалари фаолияти янгича мазмунда қайта қурилиб, халққа янада яқинлаштирилди. Шу ўринда аҳолини иш билан таъминлаш, иш ҳақларининг ўз вақтида берилишини назорат қилиш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, истиқлол ғояларини тарғибот қилиш, ходимларни ўқитиш каби хайрли ишлар касаба уюшмаларининг фаолиятидан алоҳида ўрин олганини таъкидлаш даркор.

Аҳоли эҳтиёжманд қатламларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, меҳр-мурувват тадбирларининг кескин ортганлиги жамоат ташкилоти фаолиятининг марказида турганлиги унга обрў келтирди.

Ишчи-хизматчиларнинг жамоа шартномалари орқали манфаатдорлиги йил сайин ўсаётганини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Ҳозир вилоят бўйича бир ходимнинг жамоа шартномасида кўзда тутилган имтиёзлардан оладиган фойдаси 1 миллион 21 минг сўмни ташкил этаяпти. Кейинги беш йилда ходимларни санаторийларда, уларнинг фарзандларини оромгоҳларда соғломлаштиришда сезиларли даражада ўсишга эришилди. Жамоа шартномалари орқали ходимларнинг меҳнат шароитлари яхшиланди, техника хавфсизлигига сарфланган маблағлар миқдори йилдан-йилга ортиб бораяпти.

Эсон ака оддий халқ ҳаётини яхши билади. У ёшлигидан халқ удумларини, одат ва расм-русумларини ўрганиб вояга етган. Унинг гап орасида чуқур маъно ва фалсафа билан суғорилган халқ мақоллари, нақлларини келтириши, ўзининг фикрларини, қарашларини ана шу халқ оғзаки ижоди намуналари билан мантиқан боғлай олиши ҳаётни теран англашидан далолат.

— Биз ўтган асрнинг машъум воқеаси бўлган урушдан кейинги очарчилик, қаҳатчилик йилларининг аччиқ азобини кўрган авлод вакилларимиз. Айтишим мумкинки, бирор-бир даврда бугунгидек дориламон кунлар бўлмаган. Ҳеч қачон халқимиз ҳозиргидек тинч-осойишта, фаровон яшамаган, — дейди Эсон ака қувониб. — Юртимизда тўқчилик. Тўйларимиз тўйларга, байрамларимиз байрамларга уланиб кетаяпти. Кундузи тинч, осойишта меҳнат қиламиз, кечалари оиламиз билан беҳадик ором оламиз.

Америка Қўшма Штатларининг ижтимоий фикрни ўрганувчи нуфузли институтларидан бири томонидан фуқаролар хавфсизлиги бўйича жаҳондаги 141 та мамлакатда ўтказилган таҳлиллар натижасига кўра Ўзбекистоннинг 2-ўринни эгаллагани юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш, адолатли жамият қуриш йўлида олиб борилаётган давлат сиёсатининг юксак натижасидир.

Бу кунларнинг қадрига етишимиз, эъзозлашимиз зарур. Фарзандларимизга, ёшларга ҳаётни қадрлашни ўргатишимиз керак. Минглаб касаба уюшма фаолларини жойларда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, тинчлик-осойишталикни қадрлаш юзасидан давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда тушунтириш, тарғибот ишларига жалб қилсак, менимча, айни муддао бўлади. Биз ҳамкор ташкилотлар вакиллари билан керак бўлса, ҳар бир хонадонга кириб чиқишимиз, айрим ғўр ёшларимиз, юртдошларимизнинг ғанимлар таъсирига тушиб қолмасликлари учун бузғунчи кучларга қарши ошкора курашишимиз керак.

— Мен Юртбошимизнинг «Ўзбекистон мустақиллик остонасида» асарини қайта-қайта ўқийман. Ҳар гал асардан маънавий озиқ, битмас-туганмас куч оламан, — дейди Э.Ражабов мушоҳадага берилиб. — Яқинда асардаги бундан 27 йил муқаддам — 1989 йил 24 июндаги «Биз бундан буён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди» сарлавҳали нутқини мутолаа қилиб, Ўзбекистон раҳбарлигига сайланган дастлабки кунларданоқ Ислом Каримов халқимизнинг истиқболини тўғри англай олганини чуқур ҳис этдим. Мен Ватанимизни севиш, мустақиллигимизни қадрига етиш, ўзликни англаш учун ёшларимизга, юртдошларимизга мазкур асарни чуқур ўқиб-ўрганишни маслаҳат бераман.

Эсон ака билан анча йиллардан буён бирга ишлайдиган ҳамкасблари, шогирдлари унинг характеридаги иккита фазилатни, яъни — тартиб-интизомга риоя қилмайдиган ходимни, молиявий қоидаларни қасддан бузган раҳбарни кечирмаслигини алоҳида таъкидлашади. Шу боисдан у йиғилишларда жамоанинг муваффақияти ҳам, таназзули ҳам маъмурий ва молиявий интизомга боғлиқлигини такрорлашдан, ёшларга қайта-қайта уқтиришдан чарчамайди.

— Инсоннинг яхши яшаши ва ишлаши учун, биринчи навбатда, оиласида тинчлик, иккинчиси, кўнгил хотиржамлиги керак, учинчидан, фақат соғлом тандагина соғлом ақл бўлади, — дейди Эсон ака. — Чунки рўзғорида аҳиллик бўлмаган кишининг ишдаги муваффақияти ҳақида гапириш бутунлай ўринсиз нарса, яъни хотиржамликни ўз қалбига жо қилолмаган киши ҳеч қачон, ҳеч қаерда на фароғат-на ҳаловат топмаслиги ҳақиқат.

— Эсон Ражабов узоқ йиллар турли раҳбарлик лавозимларида ибратли фаолият кўрсатиш билан бирга, фарзандлар тарбиясига ҳам катта эътибор билан қараганлигини алоҳида таъкидлаш керак, — дейди касаба уюшмалари фахрийси Суюн Бекназаров. — Эсон ака бугун кўпларга ибрат бўлгулик, ҳавас қилса арзигулик оила раҳбари. Бу оилада вояга етган солиҳ фарзандлар айни пайтда давлат муассасаларида, таълим-тарбия даргоҳларида, йирик ишлаб чиқариш корхоналарида юртимиз равнақи йўлида меҳнат қилиб, ота-оналарига эл олқишини келтиришаяпти.

Эсон Ражабовнинг жамоат ишларидаги фаоллиги алоҳида бир мавзу. Шундай бўлсада мухтасар тўхталиб ўтамиз. У Мустақиллик йилларида барча чақириқларда вилоят кенгаши депутатлигига, 2014 йилда эса Республика Марказий сайлов комиссияси аъзолигига сайланган. Эсон Ражабов ўз-ўзини бошқариш органлари ташкил этилгандан буён вилоятда маҳалла раиси (оқсоқоли) ва маҳалла маслаҳатчиларига сайлов ўтказишга кўмаклашувчи комиссияга ҳам самарали раҳбарлик қилди. У ўтган йилларда жамоатчилик асосида ишловчи мазкур комиссия фаолиятини намунали йўлга қўйиб, вилоятда фуқаролик жамиятининг муҳим институти бўлган маҳалла тизимини ривожлантиришга, сайловларнинг адолатли ўтказилишига ҳисса қўшди. У «Шуҳрат» медали, «Фидокорона хизматлари учун», «Эл-юрт ҳурмати» орденлари соҳиби.

Бугун соҳа фаолларининг аксарияти Эсон ака яратган мактаб тарбияланувчилари. Улар халқимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ифода этиш ва рўёбга чиқаришдек хайрли, савобли ишларни изчил амалга оширишяпти.

Инсонга наф келтириш — олий бахт. Касаба уюшмаларининг шиорига айланган ушбу ҳикмат, айтиш мумкинки, Эсон ака Ражабов учун ҳаёт фалсафаси ҳамдир. Эл-юртни ўйлаб яшаган инсонга эса бахтнинг ўзи эргашиб юради.

**Исмат ОЧИЛОВ**

